

«Узбек Лизинг Интернешнл А.О.» АЖ ҚК
Акциядорларининг умумий
йиғилиши томонидан
2014 йил “09” октябрда
«ТАСДИҚЛАНДИ»
Кузатув кенгашининг раиси

**«Узбек Лизинг Интернешнл А.О.» Акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма
корхонанинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги»**

НИЗОМ

(Қуйида – Корхона)

- I. Умумий қоидалар.
- II. Кузатув кенгашининг ваколати ва қарорларни қабул қилиш тартиби.
- III. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш (тайинлаш).
- IV. Кузатув кенгашининг раиси.
- V. Кузатув кенгашининг мажлиси.
- VI. Кузатув кенгашининг қарорлари.
- VII. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- VIII. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Корхона Кузатув кенгашининг мақомини белгилайди ва фаолиятини тартибга солиди, Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатини ва уларни сайлаш тартибини белгилайди.

1.2. Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилди.

**II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТИ ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ТАРТИБИ**

2.1. Корхонанинг мулки, фаолияти ва ишлари Кузатув кенгаши томонидан бошқарилади ва йўналтирилади. Кузатув кенгаши Корхонанинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ҳамда тегишли қонуний ҳаракатларни ва амалга оширилиши ёки бажарилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ёки Корхона Устави томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилмаган ишларни амалга оширади. Кузатув кенгаши ўз ҳаракатлари ҳақида Акциядорлар олдида ҳисобот беради.

2.2. Кузатув кенгаши Корхона фаолиятига тааллуқли бўлган барча масалаларни (Кузатув кенгашига йўналтирилмаган, Акциядорларнинг умумий кенгаши ваколатига

киритилган масалалар бундан мустасно), мониторинг қилиш ва бошқариш ваколатига ва мажбуриятига эга, шу жумладан қуйидаги масалаларни чекловларсиз белгилайди, бажаради ва юритади:

(а) жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
(б) Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Устав, мазкур Низом ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

(в) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибларини тайёрлаш;

(г) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санани белгилаш, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар бериш учун Акциядорларнинг реестрини тузиш санасини белгилаш;

(д) Корхона мулкнинг бозор қийматини аниқлашни ташкиллаштириш;

(е) Корхона бошқарув органлари фаолиятининг тартибини белгиловчи Корхонанинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш;

(ж) жамият филиаллари ва шўъба корхоналарини яратиш, қайта тузиш ва тугатишни маъқуллаш;

(з) Акциядорларнинг умумий йиғилиши кўриб чиқишига тақдим этиш учун Йиллик якуний ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш, текшириш ва маъқуллаш;

(и) вақти-вақти билан махсус лимитларни қўйиш ҳамда ушбу лимитлардан ошувчи ижара шартномалари, тақлифлар ва қарзларни кўриб чиқиш ва бир овоздан маъқуллаш;

(к) Захира жамғармаси ёки бошқа жамғармаларнинг тузилмаси, мақсадлари, манбалари ва улардан фойдаланиш тартибини, шунингдек Корхонанинг Захира жамғармаси ёки бошқа жамғармаларига қилинадиган ҳар қандай ажратмалар ҳамда улардан олинадиган маблағлар миқдорини, уларни амалга ошириш усуллари ва вақтини бир овоздан қабул қилинган қарор билан белгилаш;

(л) Бош директор ва Бош директор ўринбосарининг фаолиятини назорат қилиш, шу жумладан Бош директорнинг барча ҳисоботларини вақти-вақти билан кўриб чиқиш ва уларнинг Корхона сиёсатига мувофиқлигини таъминлаш;

(м) Акциядорларнинг умумий йиғилишига Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган пулга доир тавсияларни бериш;

(н) Корхона маҳсулотларини сотиш ва бозорда илгари суриш ҳамда товарлар ва хизматларни сотиб олиш сиёсати, режалари ва процедураларини белгилаш;

(о) бир овоздан қабул қилинган қарор асосида оралик дивидендларни эълон қилиш ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига йиллик дивидендларни тўлаш ва тақсимлашга доир тавсияларни тақдим этиш;

(п) Корхона активларини Корхонанинг одатий фаолиятдан ташқарида сотиб олиш ёки сотиш;

(р) Корхона томонидан мулк сотиб олиш ёки уни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган йирик битимларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

(с) Қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда аффилирланган шахслар билан битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

(т) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини белгилаш ҳамда унга тўланадиган хизмат ҳақининг чегаравий миқдори ҳақида қарор қабул қилиш;

(у) Акциядорларнинг умумий йиғилишига Корхонани тугатиш ва қайта ташкил топтириш ҳамда Тугатиш комиссиясини тайинлашга доир тавсияларни бериш;

(ф) Корхона фаолиятининг сиёсатини белгилаш;

(х) Бош директор томонидан тайёрланган Корхонанинг Йиллик бюджети ва

Бизнес-режасини (шу жумладан, қайта кўриб чиқилган Йиллик бюджет ва Бизнес-режани) кўриб чиқиш ва бир овоздан тасдиқлаш. Бунда жамиятнинг келаси йил учун тузилган Бизнес-режаси жамият Кузатув кенгашининг мажлисида жорий йилнинг 1-декабридан кечиктирмасдан тасдиқланиши лозим;

(ц) Бош директор ва Бош директор ўринбосари ваколатларининг ҳажмини бир овоздан белгилаш;

(ч) ходимларни, шу жумладан чет эл фуқароларини ва маслаҳатчиларни ишга қабул қилиш тартиби, қоидалари, малака андозалари ва шартларини белгилаш;

(ш) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;

(щ) ҳосила қимматли қоғозларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

(ы) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларида қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этиши билан боғлиқ битимларни тузиш;

(э) Корхона фаолиятига доир бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Корхона Устави билан Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.3. Кузатув кенгашининг 2.4-бандда кўрсатилган масалалардан ташқари масалалар бўйича қабул қилган қарорлари Кузатув кенгашининг мажлисларида иштирок этаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади, бироқ агар Акциядорлардан бири Кузатув кенгаши аъзолигига номзодни илгари сурмаган бўлса, Кузатув кенгашининг қарорлари тегишли тарзда чақирилган Кузатув кенгашининг мажлисларида иштирок этаётган аъзоларнинг бир овоздан тасдиқлаши билан қабул қилинади;

2.4. 2.2- (и), (к), (о), (ф), (х) ва (ц) ҳамда 2.6-Бандларда баён этилган масалалар бўйича қарорлар Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади;

2.5. Мажлис ўрнига Кузатув кенгашининг исталган аъзоси Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиши мумкин бўлган ҳар қандай масалани тақдим этиши мумкин. Бунинг учун Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига таклиф этилаётган масаланинг тўлиқ баёни берилган Хабарнома юборилади. Кузатув кенгашининг шундай масала бўйича қабул қилинган ва унинг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланган ёзма қарори Кузатув кенгашининг тегишли тарзда ўтказилган мажлисида қабул қилинган ва унинг аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланган қарор каби барча мақсадлар учун ҳақиқий деб ҳисобланади.

2.6. Кузатув кенгаши бир овоздан қабул қилинган қарор асосида махсус масалаларни ҳал этиш ёки Кузатув кенгаши томонидан берилган конкрет кўрсатмаларга мувофиқ бошқа чораларни амалга ошириш учун махсус кўмиталарни тузишга ҳақли.

2.7. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси исталган пайтда Бош директор, Бош директор ўринбосари ёки Тафтиш комиссиясидан Корхона фаолиятига тегишли бўлган ҳисоботларни, ҳужжатларни ёки ахборотни талаб қилиши мумкин.

2.8. Агар Кузатув кенгашининг аъзоси битимдан манфаадор томон ҳисобланса, унда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Кузатув кенгаши томонидан шундай битимга доир қабул қилинган ҳар қандай қарор манфаатдор томон бўлмаган аъзоларнинг етарли миқдордаги овози билан қабул қилиниши керак.

2.9. Кузатув кенгашининг аъзолари Корхонадаги ишларнинг жорий ҳолати, бирор-бир давр учун ишлаб чиқариш-хўжалик ва тижорат фаолиятининг асосий натижалари ҳамда унинг ривожланиш режалари тўғрисидаги бутун тўлиқ ва ҳаққоний ишлаб чиқариш ва молиявий маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

2.10. Агар Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорида бошқаси кўзда тутилмаган бўлса, Корхонага кўрсатган хизматлари учун Кузатув кенгашининг аъзоларига мукофот пули тўланмайди. Корхона томонидан Кузатув кенгаши аъзоларининг асосланган транспорт харажатлари, шунингдек меҳмонхонада истиқомат қилиш ва Кузатув кенгашининг

мажлисларида ёки Кузатув кенгашининг махсус комиссияларида иштирок этиши муносабати билан ёки Корхона фаолияти давомида юзага келадиган бошқа ҳолатлар муносабати билан кўрилган харажатларнинг тўлаб берилиши бундан мустасно.

2.11. Корхона Акциядорлар умумий йиғилишининг ҳар йили Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот пули тўғрисидаги қарорини Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашаётган Акциядорларнинг бир овоздан қабул қилинган қарори билан тасдиқланган миқдорда қабул қилишга ҳақли.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ)

3.1. Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби беш (5) та аъздан иборат: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (ЎЗМБ) Кузатув кенгашига икки (2) кишигача, Малайан Бэнкинг Берхад (Мейбанк) Кузатув кенгашига икки (2) кишигача, “Ўзбекистон-Ўмон Инвестиция компанияси” МЧЖ Кузатув кенгашига икки (2) кишигача бўлган номзодни илгари суради.

3.2. Кузатув кенгашига номзодлар 3.1-Бандга мувофиқ кўрсатилади, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади ва Кузатув кенгашининг аъзолари сифатида бир (1) йил давомида хизмат қилади. Кузатув кенгашининг аъзолари чекланмаган миқдорда қайта сайланишлари мумкин. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ишлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Кумулятив овоз бериш жараёнида ҳар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар сони Корхона Кузатув кенгашига сайланаётган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозлар сонини тўлиқ бир номзодга беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзод орасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овоз олган номзодлар Кузатув кенгашининг таркибига сайланган ҳисобланади.

3.3. Тафтиш комиссиясининг аъзолари, Бош директор ва Бош директор ўринбосари ҳамда Корхонада меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган шахслар Кузатув кенгашининг аъзоси бўла олмайди.

Акциядорлар Кузатув кенгашининг навбатдаги мажлисига қадар Акциядорларнинг умумий йиғилишида Кузатув кенгашининг шундай аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш масаласини овозга қўяди.

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

4.1. Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши томонидан ЎЗМБ томонидан илгари сурилган Кузатув кенгаши аъзоларининг орасидан сайланади. Кузатув кенгашининг раиси иккинчи ёки ҳал қилувчи овозга эга эмас. Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгашининг мажлисларини чақириш бўйича мажбуриятни, шундай мажлисларда раислик қилиш, баённома юритилишини ва қарорнинг ёзилишини ташкиллаштиришни ўз зиммасига олади. Агар Кузатув кенгашининг раиси мажлисда йўқ бўлса, унда номзоди ЎЗМБ томонидан илгари сурилган Кузатув кенгашининг бошқа аъзоси шундай мажлисда раислик қилади.

V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

5.1. Кузатув кенгашининг навбатдаги мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ёки заруратга қараб кўпроқ, Кузатув кенгашининг раиси кўрсатган вақт, кун ва жойда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки ундан ташқарида ўтказилади. Кузатув кенгашининг махсус мажлислари бу зарур ҳисобланганида ҳамда Кузатув кенгашининг раисига Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссиясининг аъзосидан, ташқи аудитор ва/ёки Бош директордан ёзма

талабнома тушганида ҳар сафар Кузатов кенгашининг раиси томонидан ҳам чақирилиши мумкин. Аъзодан ҳар қандай шундай талабнома олинганидан кейин ўн тўрт (14) кун давомида Кузатов кенгашининг раиси Кузатов кенгашининг аъзоларига мажлис ўтказиладиган жой, сана ва вақт кўрсатилган Хабарнома тақдим этилган санадан бошлаб ўн (10) кундан сўнг мажлис ўтказилиши тўғрисидаги Хабарномани юбориши лозим.

5.2. Мажлислар Кузатов кенгашининг аъзоларига Хабарнома етказилган санадан бошлаб ўн (10) кундан сўнг ва олтмиш (60) кундан кечиктирмасдан ҳамда ҳар қандай ҳолатда ҳам визаларни ўз вақтида олиш ва мажлис ўтказиладиган жойга етиб келиш имкониятини берадиган вақтда ўтказилиши керак. Кузатов кенгашининг мажлислари тўғрисидаги ҳар бир Хабарномада ушбу мажлисда кўриб чиқиладиган ва овозга қўйиладиган масалалар рўйхати бўлиши зарур. Кузатов кенгашининг ҳар қандай аъзоси Кузатов кенгашининг бошқа аъзоларига Хабарномани мажлисдан камида саккиз (8) кун олдин тақдим этган ҳолда, шундай мажлиснинг кун тартибига қўшимча масалаларни киритиши мумкин. Агар мажлис ўтказилишини раис эмас, балки Кузатов кенгашининг бошқа аъзоси талаб қилаётган бўлса, унда бундай аъзо мажлис ўтказиш тўғрисидаги талабнома билан биргаликда Кузатов кенгашининг раисини кун тартибига киритиладиган масала ёки масалалар ҳақида хабардор қилиши керак. Кузатов кенгаши аъзосининг талаби билан Кузатов кенгашининг аъзолари кун тартибига киритилмаган масаланинг мажлисда кўриб чиқирилишини бир овоздан маъқуллаши мумкин.

5.3. Кузатов кенгашининг ҳар қандай аъзоси ёзма рад жавобини тақдим этган ҳолда мажлисдан олдин, мажлис пайтида ёки ундан кейин ҳар қандай мажлисда қатнашишдан воз кечиши мумкин. Агар мажлисда қатнашиш мажлис тегишли тарзда чақирилмагани боис мажлисни ташкиллаштириш ва чақириш бўйича ишларнинг сифатсиз бажарилиши сабабли мажлис бошида тузилган битимларга нисбатан эътироз билдиришга қаратилмаган бўлса, унда мажлисда қатнашиш мажлис ҳақидаги Хабарномани олишдан воз кечишни билдиради.

5.4. Агар Кузатов кенгашининг мажлисида Кузатов кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш (75%) фоизи қатнашаётган бўлса, кворум тўпланган ҳисобланади. Бир овоздан қабул қилинган қарорни талаб этувчи масалаларни кўриб чиқишда Кузатов кенгашининг барча аъзолари қатнашиши керак.

5.5. Кузатов кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овоз ҳуқуқига эга.

5.6. Кузатов кенгашининг бир аъзоси Кузатов кенгашининг бошқа аъзосига овоз беришига йўл қўйилмайди.

5.7. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бошқа чекловлар кўзда тутилмаган бўлса, Кузатов кенгашининг аъзолари ёки унинг бошқа қўмиталарининг аъзолари Кузатов кенгаши ёки унинг қўмиталарининг мажлисида телефон алоқаси ёки бошқа коммуникация воситалари орқали қатнашишлари мумкин. Мажлисда қатнашаётган барча шахслар ушбу воситалар ёрдамида бир-бирини эшитишлари мумкин, мажлисда бу тарика қатнашишга эса уларнинг шундай мажлисда шахсий иштироки сифатида қаралади.

5.8. Кузатов кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатов кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан кейин 10 кундан кечиктирмасдан тузилади.

5.9. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказиладиган жой ва вақт;

мажлисда қатнашган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овозга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

5.10. Кузатов кенгаши мажлисининг баённомаси Кузатов кенгашининг мажлисда қатнашган аъзолари томонидан имзоланади, улар баённоманинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

5.11. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан сиртдан овоз бериш (сўровнома) йўли билан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Бу ҳолда жамият Кузатув кенгаши мажлисининг қарори расмийлаштирилади, унда мажлисининг кун тартиби ва Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланувчи қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Кузатув кенгашининг аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув кенгашининг мажлисида шахсан қатнашиш, мажлисда муҳокама қилинаётган масала бўйича регламент томонидан ажратилган вақт доирасида маъруза қилиш;
- Кузатув кенгашининг қарорига кўра жамиятнинг муайян даврдаги фаолияти ҳақида, унинг ривожланиш режалари тўғрисида маълумот олиш;
- Кузатув кенгашида ишлагани учун қонунчилик ва жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда мукофот пулини олиш ва (ёки) харажатларини компенсациялаш.

6.2. Кузатув кенгаши аъзосининг мажбуриятлари:

- жамият томонидан амалга оширилган битимда кўзда тутилаётган битим, тегишли шартноманинг муҳим шартлари ҳақидаги маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ёзма хабарномани жўнатиш йўли билан ўзининг аффилилангани ҳақида жамиятни хабардор қилиш;
- ўзининг лавозимий вазифаларини жамият манфаатлари учун энг яхши деб ҳисоблаган усулда виждонан амалга ошириш.

6.3. Кузатув кенгашининг аъзолари жамият имкониятларидан (мулкӣ ёки номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, жамият фаолияти ва унинг режалари тўғрисидаги ахборотдан) шахсий бойиш мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

7.1. Бош директор (Бош директор вазифасини бажарувчи шахс) Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлайди.

7.2. Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш ишлари, агар қарорда бошқаси белгиланмаган ва мажлис баённомасида акс этирилмаган бўлса, Корхонанинг Бош директори (Бош директор вазифасини бажарувчи шахс) томонидан амалга оширилади.

7.3. Кузатув кенгашининг ваколатлари доирасида қабул қилинган Кузатув кенгашининг қарорлари Корхонанинг ижрочи органи, Тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати ҳамда умумий йиғилишда қатнашаётган, қатнашмаётган Акциядорлар томонидан бажарилиши учун уларга тегишли қисмида мажбурий ҳисобланади.

VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Кузатув кенгашининг аъзолари ўз лавозимий вазифаларини Корхона манфаатлари учун энг яхши деб ҳисоблаган усулда амалга оширишга мажбур.

8.2. Корхона Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликка ва Корхона Уставига мувофиқ Корхона олдида жавобгар ҳисобланади.

Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки Корхонага зарар етказган қарорга нисбатан қарши овоз берган Кузатув кенгашининг аъзолари жавобгар бўлмайди.

8.3. Корхонанинг жойлаштирилган оддий акцияларининг жами камида бир (1) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Кузатув кенгашининг аъзоси устидан Корхонага етказилган зарарни қоплаш тўғрисида судга шикоят аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли.